ISSN: 2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



iD doi crossref CYBERLENINKA НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ БИБЛИОТЕКА LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

3 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 3, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 3, ISSUE 2

TOSHKENT-2022

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович
ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ВА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИНГ ЎЗАРО ФАРҚЛИ ТОМОНЛАРИ 8
2. ХУДЖАМОВА Камола
СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ КОНСТИТУЦИОННОГО ПРАВА В УСЛОВИЯХ ФОРМИРОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННОГО И ЦИФРОВОГО ОБЩЕСТВА 13
3. ХАМРОЕВ Элдор Отамуродович
СТАТУС СТОЛИЦЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН – ГОРОД ТАШКЕНТА КАК ГОРОД РЕСПУБЛИКАНСКОГО ПОДЧИНЕНИЯ 23

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

4. БАБАКУЛОВ Зафар Курбонназарович
ТОВАР БЕЛГИСИГА ПАРОДИЯ ЁКИ КИНОЯ: ҚОНУНИЙ ЁКИ НОҚОНУНИЙ ҲИСОБЛАШ МАСАЛАСИ..... 32
5. DJUMANOV Askar
LEGAL ANALYSIS OF MONEY AS THE OBJECT OF CIVIL RIGHTS 38
6. ДЖАМБАКИЕВА Феруза Бахтахуновна
ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА ВОСИТАЧИЛИК ШАРТНОМАСИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ..... 43
7. МАҲМУДХОДЖАЕВА Умида Муминовна
БОЛАДАН АЛОҲИДА ЯШАЁТГАН ОТА (ОНА)НИНГ ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУАММОЛАРИ 48
8. БАҲРАМОВА Моҳинур Бахрамовна
ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ НИЗОЛАРИНИ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТОМОНИДАН ҲАЛ ЭТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ 54
9. АБДУҚОДИРОВ Абдурауф Баходир ўғли
ЮРИДИК ШАХС МИЛЛАТИНИ АНИҚЛАШДА НАЗОРАТ МЕЗОНИНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ 62

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

10. АДИЛОВ Бахрамбек Кахраманович
ЖИНОИЙ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 68
11. DJALILOV Furkat
ISSUES OF LIABILITY FOR CRIMES RELATED TO THE PROPERTY INTERESTS OF A CIVIL SERVANT IN THE CRIMINAL LAW OF SOME FOREIGN COUNTRIES 76

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

12. НИЯЗОВ Максуд Кадамович
ДОПУСТИМОСТЬ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ, ПОЛУЧЕННЫХ В ПРОЦЕССЕ ПРИМЕНЕНИЕ МЕР ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ПРИНУЖДЕНИЯ НА СТАДИИ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ 84

13. ГОФУРОВ Бобур Аскаржон угли
ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЕ СЛУШАНИЕ ПО УГОЛОВНОМУ ДЕЛУ:
ВОПРОСЫ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ..... 95

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

14. САИДОВА Лола Абдувахидовна
ГЕНДЕРНЫЕ АСПЕКТЫ ДОСТИЖЕНИЯ ЦЕЛЕЙ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ 100
15. АЗХОДЖАЕВА Роза Алтыновна
МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ
ГЕННО-МОДИФИЦИРОВАННЫХ ПРОДУКТОВ В РАМКАХ ВТО..... 106

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

16. ИШАНХОДЖАЕВ Саидахмад Акрамович
ЎЗБЕКИСТОНДА ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖА САВДОЛАРИДА ПРОФЕССИОНАЛ
ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР..... 112
17. САФАРОВ Темур Уктамович
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ..... 120
18. ТИЛЛАБОЕВ Шохрухбек
ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ОПЫТА ВЕЛИКОБРИТАНИИ И ЕВРОПЕЙСКОГО СОЮЗА В
СФЕРЕ ЗАЩИТЫ ПЕРСОНАЛЬНЫХ ДАННЫХ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН 125
19. ТОШБОЕВА Робия Собировна
ТРАНСГРАНИЧНЫЕ ВОДЫ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА
ФОРМИРОВАНИЕ ВОДНО-КАДАСТРОВОЙ ИНФОРМАЦИИ УЗБЕКИСТАНА..... 131

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

САФАРОВ Темур Уктамович
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида
коррупцияга қарши курашиш бўлими бош маслаҳатчиси

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): САФАРОВ Т.У. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2022) Б. 120-124.

3 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-3-17

АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат бошқарувида фуқароларнинг иштирокини таъминлашга қаратилган халқаро ҳужжатлар асосида Ўзбекистонда “очиқлик сиёсати” бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида таҳлил қилинган ҳамда ушбу соҳани янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

Калит сўзлар: очиқлик ва шаффофлик, конвенция, хартия, маъмурий барьер, жамоатчилик назорати, рейтинг, маълумотлар очиқлиги.

САФАРОВ Темур Уктамович
Главный консультант Отдел по противоействию коррупции в системе
Министерства юстиции Республики Узбекистан

ЗАДАЧИ ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ПРОЗРАЧНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ И ОРГАНОВ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется проводимая в Узбекистане работа касательно «политики открытости» направленных на обеспечение участия граждан в государственном управлении, на основе международно-правовых документов, даются предложения по совершенствованию данной сферы.

Ключевые слова: открытость и прозрачность, конвенция, хартия, административный барьер, общественный контроль, рейтинг, открытость данных.

SAFAROV Temur
Chief Consultant Countermeasures Division corruption in the system of the Ministry of
Justice stice of the Republic of Uzbekistan

TASKS TO ENSURE TRANSPARENCY OF STATE AUTHORITY AND STATE BODIES

ANNOTATION

The article analyzes the work carried out in Uzbekistan on the “policy of openness” on the basis

of international documents aimed at ensuring the participation of citizens in public administration, and proposals are made to improve this sphere.

Keywords: openness and transparency, conventionality, charter, administrative barrier, public control, rating, data openness, acceptability and understandability.

Давлат органлари фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги жамият манфаатлари йўлида тўғри қарор қабул қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқий жараёнлардан хабардорлигини оширишга, давлат ва жамиятнинг ягона бир мақсад йўлида бирлашишига хизмат қилади.

I. Ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятининг қайси жиҳатлари очиқ бўлиши лозимлигига тўхталиб ўтадиган бўлсак, биринчи навбатда умумжаҳон талабларига эътибор бериш зарур. Хусусан:

- БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил);
- Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси (1950 йил);
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил);
- Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг:

а) Давлат идоралари тасарруфидаги маълумотлардан фойдаланиш бўйича тавсиялари (1981 йил);

б) Расмий ҳужжатлардан фойдаланиш бўйича тавсиялари (2002 йил):

- Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси (1978 йил);
- Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка Хартияси (1981 йил);
- Париж Хартияси (1990 йил);
- БМТнинг Шахслар, гуруҳлар ва жамият органларининг умумеътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва бурчлари тўғрисидаги декларацияси (1998 йил);
- Европа кенгашига аъзо давлатлар ва БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ушбу комиссия аъзоси ҳисобланади [1]) томонидан тасдиқланган Ахборотдан фойдаланиш, қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки ва атроф-муҳит масалалари бўйича одил судловдан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция (Орхус конвенцияси) (1998 йил);
- ЕХҲТ Истанбул саммити декларацияси (1999 йил);
- БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (2003 йил);
- ЮНЕСКОнинг Брисбен декларацияси (2010 йил);
- “Саккиз гуруҳининг Очиқ маълумотлар Хартия”си (2013 йил);
- Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарорлари:

а) “Леандер Швецияга қарши” иши (1987 йил);

б) “Гуэрра ва Орс Италияга қарши” иши (1988 йил);

в) “Таш Венгрияга қарши” иши (2009 йил).

Шунингдек, БМТнинг Бош Ассамблеясининг 1946 йилдаги 59 резолюциясида ахборот эркинлиги инсоннинг фундаментал ҳуқуқларидан бири бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолияти бағишланган барча бошқа эркинликларнинг мезони ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган [2] Шу билан биргаликда, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддасида давлатларга Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлган қонунчилик чораларини кўриш бўйича мажбурият юкланган.

Шунга асосан, халқаро ташкилотлар томонидан давлатларга ушбу ҳуқуқларни амалга оширишини таъминловчи ва уларнинг бузилишига тусиқ бўлувчи самарали чораларни кўриш бўйича тавсиялар билдирилади.

Мисол учун, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида:

– давлат, тегишли ҳолларда ва ўз ҳуқуқий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ, давлат фуқаролик хизматчиларни ва, тегишли вазиятларда, бошқа сайланмайдиган оммавий мансабдор шахсларни **ишга қабул қилиш, ёллаш, хизматни ўташ, хизмат давомида мансабга эришиш ва истеъфога чиқишнинг** самарадорлик ва **ошкоралик тамойилларига** ҳамда бенуқсон фаолият, адолат ва қобилият каби холисона мезонларга асосланадиган тизимларини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилиш лозимлиги (7-модда);

– давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, **оммавий маблағларни бошқаришда ошкоралик ва ҳисобдорликка кўмаклашиш** бўйича тегишли чораларни кўриши (9-модда);

– коррупцияга қарши курашиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, унинг **оммавий маъмуриятининг, шу жумладан уни ташкил этилиши, фаолияти ва, тегишли ҳолларда, қарорларни қабул қилиш** жараёнларига татбиқан, **ошкоралигини кучайтириш** учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўриши (10-модда);

– **аҳолини қарорларни қабул қилиш жараёнларига** жалб қилишга кўмаклашиш ва унинг **ошкоралигини ошириш** (13-модда) кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган халқаро ҳужжатлар аҳолининг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлашга оид талаблар, тавсиялар ва амалиётдаги мисоллар ҳисобланиб, бу давлат томонидан ўз фаолиятини очиқлик ва шаффофлик асосида жамиятнинг улардан қониқиш ҳиссини кўрсатишга қаратилган.

Шунингдек, коррупуцияга қарши курашишнинг муҳим кўрсаткичи сифатида халқаро ташкилотлар томонидан баҳоланади.

II. Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат бошқаруви фаолиятида иштирок этиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида кўрсатиб ўтилган, яъни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилган.

В. Петуховнинг фикрича, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги – бу фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари учун давлат ва муниципал ҳокимият органлари фаолияти тўғрисидаги ишончли маълумотларнинг максимал мумкин бўлган, қонун билан мустаҳкамланган ва кафолатланган мавжудлиги [3].

Ўзгача ёндашув билан, О. Шабров ушбу ҳодисани кенг ўзаро ҳамкорлик учун ҳуқуқий асоснинг мавжудлиги нуқтаи назаридан ҳам, фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларининг муайян бошқарув қарорларини шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқларини амалий амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш муҳимдир, деб ҳисоблайди [4].

Бироқ бизнинг фикримга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида самарали бошқарув механизми ҳисобланади.

Албатта, ушбу ҳуқуқни амалга оширишда **биринчи навбатда** маълумотларни очиқлигини таъминлаш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси яратилди. Хусусан, 1997 йилда “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, 2002 йилда “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, 2003 йилда “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, 2007 йилда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, 2014 йилда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, 2017 йилда “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги, 2017 йилда “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунлар қабул қилинди.

Мазкур қонунлар ижроси юзасидан 1000дан ортиқ амалий чора-тадбирлар амалга оширилди, шунингдек очиқланиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати, кейинчалик уларнинг тизимлаштирилган базалари яратилди.

Иккинчи навбатда, барча зарурий маълумотлар фуқаролар танишиб чиқиши учун очиқ, кўринарли ва тушунарли шаклда бўлишини таъминлаш мақсадида, аввало, улар проактив режимда давлатдан маълумот (маълумотлар) олиш механизми мавжуд бўлишини талаб этади. Шунингдек, очиқ маълумотлар бутун жаҳон Интернет тармоғида умумий фойдаланиш учун эълон қилиниши, машинада ўқиладиган форматда ошкор этилиши ва бепул фойдаланиш имкониятлари бўлиши лозим.

Мисол учун, Ўзбекистонда барча очиқ маълумотлар – давлат буюртмалари тўғрисидаги маълумотлар, бюджет муассасалари маълумотлари, солиқ сектори маълумотлари, давлат статистикаси ва бошқа маълумотларни қамраб олувчи Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали тизими (data.gov.uz) мавжуд [5]. Худди шундай, мазкур турдаги маълумотлар бошқа ривожланган давлатларда ҳам очиқ эълон қилиш тизими йўлга қўйилган [6].

Учинчи навбатда, коррупцияга қарши курашиш самарали ташкил этишда шаффофлик асосий тамойиллардан бири сифатида 2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда [7] белгиланган. Шу сабабли, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш қўйидаги вазифаларни амалга ошириш лозимлиги барча давлат органлари зиммасига юкланди:

– ўз фаолияти юзасидан ҳисобдорлигини таъминлаш;

– давлат хизматини ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш;

– маъмурий-бошқарув жараёнининг шаффофлигини, ташқи ва ички назорат учун очиқлигини таъминлаш;

– давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш;

– судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш;

– шахснинг ўзига ёки шахслар гуруҳига тааллуқли бўлган ҳужжатларнинг қабул қилиниш жараёнлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш.

Тўртинчи навбатда, очиқланган маълумотларни тушуниш (англаш) ва фойдаланиш маданиятини шакллантириш вазифаси мавжуд. Шу сабабли, фуқаролар билан, яъни маълумотларни олувчи ва фойдалаувчилар билан ишлаш тизимини ҳам шакллантириш бугунги замон талабига айланмоқда.

Чунки, халқаро экспертлар фикрича, ижтимоий гуруҳлар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар бўлажак ҳуқуқий ва меъёрий ўзгаришлардан хабардор бўлиши, таклиф этилаётган қарорнинг мантиқий асослари билан танишиш, ўзига таълуқли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларидан хабардор бўлиши, қарор қабул қилиш жараёнини тушуниши, унинг муҳокамасида иштирок этиши ҳамда уни қабул қилишдан олдин таклифа ва шикоят қилиши ва қабул қилингандан сўнг унинг устидан судга шикоят қилиш имкони бўлиши керак [8].

Ўз навбатида, таъкидлаш лозимки Ўзбекистонда фуқаролар бугунги кунда мазкур ҳуқуқларни амалга ошириши учун барча шароитлар мавжуд. Бироқ, ортиқча маъмурий-оварагарчиликларни олдини олиш учун уларни амалга ошириш тартиби ва ўзига хос шартларига риоя қилишни талаб этади.

Шунингдек, мазкур тартиб ва қоидалар фуқаролар олдига “маъмурий барьер” сифатида қўйилиши маъмурий муносабатлар иштирокичлари ўртасидаги тушунмовчиликларни, ортиқча вақт сарафланишини, маблағ ва ресурслар тежалишига хизмат қилади, яъни макродаражада тарафларнинг якуний мақсади – “Қонун устуворлигини таъминлаш”га эришишга хизмат қилса, микродаражада – давлат ташкилотининг қоғоз, электр энергия, ёқилғи ва бошқа ресурсларни самарасиз сарф қилиш ҳолатлари олди олинади.

III. Ўзбекистонда очиқлик сиёсатини янада такомиллаштириш соҳасида оҳирги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар қуйидаги муаммоларни бартараф қилиш кераклигини кўрсатмоқда:

– давлат ташкилотларининг ўз фаолиятига оид эълон қилинган ҳисоботларнинг фуқаролар томонидан тушунча ҳосил қилмаслиги;

– бюджет маблағларини сарфланишигша устидан сифатли жамоатчилик назорати таъминланмаганлиги;

– жамоатчилик томонидан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар эга тадбиркорлик субъектлар фаолият самарадорлигини баҳолаш имкониятлари мавжуд эмаслиги;

– лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар, шу жумладан ушбу тоифадаги ҳужжатларни беришда манфаатлар тўқнашувини олдини олишга оид қоидаларга риоя қилмаслик;

– ишга қабул қилиш жараёнлари очиқ бўлмаслиги;

– олий таълим муассасаларига имтиҳон жараёнларини унинг туридан қатъий назар жамоатчилик назорати тўлиқ таъминланмаганлиги.

Шу сабабли, мазкур муаммоларни бартараф қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаи Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 16 июндаги ПФ–6247-сон Фармони қабул қилинди.

Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, ушбу очиқлик ва шаффофлик борасида бошланган ислоҳотлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам муносиб эътироф этиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида очиқлик масаласига жиддий эътибор қаратилди. Ўзбекистон 2021 йилда “Очиқ маълумотларни кузатиш” халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, (187 мамлакат) 44-ўринни эгаллагани, бунда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги 20 та йўналиш бўйича кўрсаткичларни ошкор қилиб бориш амалиёти жорий этилгани муҳим аҳамият касб этгани таъкидланди [9].

Ўзбекистон 2017 йилда Жаҳон матбуоти эркинлиги индексида 169-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йил якунига келиб, ушбу кўрсаткич 13 поғонага яхшиланиб, 156-ўринни эгаллади [10].

Аммо шу ўринда, таъкидлаш лозимки, фуқаролар томонидан очиқланган маълумотлардан

тўғри фойдаланишлари ёки фикр ва эътирозларини бериш бўйича етарли кўникмалари мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Мисол учун, ижтимоий тармоқларда ҳаж фатвосини нотўғри талқин қилиш [11], давлат ташкилоти раҳбарларининг фикр мулоҳазалари [12], спортдаги муаммоли масалалар [13] бўйича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нопрофессионал [14] талқин қилиш бўйича ва бошқалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлашимиз мумкинки, маълумотлар очиқланиши фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини самарали ташкил этишига ҳамда уларнинг қониқиш даражасига ижобий таъсир қилади.

IV. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда “очиқлик сиёсати” бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлақонли фойдаланиш учун хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, фуқаролар томонидан ушбу маълумотлардан фойдаланиш ва улар бўйича тўғри тушунчалар хосил қилиш учун барча давлат ташкилотлари олдида уларни мақбул ва тушунарли тарзда фуқароларга етказиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаши лозим. Бунда, маъулмотлар қуйидаги мезонлар асосан кўриб чиқилиши лозим:

1. Давлат ташкилотининг амалга оширилаётган ишлари қандай муаммоларни ечимини хал этишга қаратилганлиги.

2. Давлат органлари ва ташкилотларига ишга кириш бўйича ўтказиладиган танловларнинг онлай трансляция қилиниши.

3. Оммавий ахборот воситалари орқали давлат органи ва ташкилотлар томонидан ўз фаолияти тўғрисида жамоатчикка етказиш;

4. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид қарорлар юзасидан домий тарзда аҳолига тушунарли шаклда маълумот бериб бориш.

Албатта амалга оширилаётган ишлар нафақат, Ўзбекистоннинг жаҳоннинг рейтинг ва индексларида юқори поғоналарни эгаллашига, балки энг асосийси фуқаролармизмини давлат ва жамият ҳаётида муҳим роль эгаллаган ҳолда коррупцияга қарши курашиш янада фаоллаштиради ва давлат ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини янада оширишига хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси // https://www.un.org/ru/ecosoc/unece/
2. Всеобщая декларация прав человека// URL:https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations /declhr.shtml
3. Петухов В. Бюрократия и власть // Социологические исследования: №3, 2006– С.8.
4. Шабров О.Ф. Реформа государственной службы: открытость или эффективность? // Социология власти: №6, 2005 – С.23.
5. Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали тизими // https://data.gov.uz/uz.
6. Мониторинг раскрытия данных в разных странах производится рядом проектов, один из наиболее известных среди них – Open Data Barometer // URL https://opendatabarometer.org/
7. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-419-сон, 03.01.2017йил // URL:http://old.lex.uz/docs/3088008.
8. Open Government: Fostering Dialogue with Civil Society. OECD Publishing, 2003 – P.24 // URL: https://books.google.co.uz/books?
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// URL:https://president.uz/uz/lists/view/4057.
10. Uzbekistan//URL:https://rsf.org/en/country/uzbekistan.
11. Ҳаж фатвосини нотўғри талқин қилганларга раддия// URL:https://religions.uz/news/detail?id=671.
12. «Бош вазир сўзлари нотўғри талқин қилинмоқда» – Монополияга қарши қўмита ва АОКА раҳбари муносабат билдирди // URL: https://kun.uz/news/2020/10/13/bosh-vazir-sozlari-notogri-talqin-qilinmoqda-monopoliyaga-qarshi-qomita-va-aoka-rahbari-munosabat-bildirdi.
13. Допинг сабаб четлаштирилган 4 нафар спортчимиз ҳақида расмий баёнот берилди // URL: https://www.xabar.uz/uz/sport/doping-sabab-chetlashtirilgan-4-nafar.
14. Нотўғри талқин – ҳуқуқий билимсизлик оқибати//URL: https://minjust.uz/uz/press-center/news/91153/.